

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БОБОЕВ УТКИРБЕК АБДИЛЛАЖОНОВИЧ**

**ПНЕВМОМЕХАНИК ЙИГИРУВ ЖАРАЁНИДА ИПГА БУРАМ БЕРИШ**  
**МАСАЛАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника**  
**ва робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

<b>Бобоев Уткирбек Абдиллажонович</b> Пневмомеханик йигирув жараёнида ипга бурам бериш масалалари тадқиқ қилиш.....	3
<b>Бобоев Уткирбек Абдиллажонович</b> Исследование вопросов скручивания пряжи при пневмомеханическом прядении.....	23
<b>Boboev Utkirbek Abdillajonovich</b> Investigation of issues of yarn twisting during rotor spinning.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	47

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БОБОЕВ УТКИРБЕК АБДУЛЛАЖОНОВИЧ**

**ПНЕВМОМЕХАНИК ЙИГИРУВ ЖАРАЁНИДА ИПГА БУРАМ БЕРИШ**  
**МАСАЛАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника**  
**ва робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2022.2.PhD/Т1334 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Обидов Авазбек Азаматович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жуманиязов Кадам Жуманиязович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Росулов Рузимурод Хасанович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022-йил «17» декабрь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, 228-76-757, факс: (+99869)228-76-75, e-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти, 3-ўқув биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 202-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68.

Диссертация автореферати 2022-йил «06» декабрь куни тарқатилди.  
(2021-йил «06» декабрдаги 92-рақамли реестр баённомаси).



*Муратов*

**Р.М. Мурадов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси техника фанлари доктори, профессор

*Бобожанов*

**Х.Т. Бобожанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби техника фанлари доктори, доцент

*Холиқов*

**Қ.М. Холиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига автореферат)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда тўқимачилик саноатида тайёрланаётган пневмомеханик усулда олинаётган ипларга бўлган талаб юқорилигини инобатга олиб, ип сифат кўрсаткичларини ошириш, ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «...тўқимачилик саноатида пахта тола-67%, кимёвий тола ишлаб чиқариш-20%, жун тола-10%, луб толалар-1,6% ва бошқалар-1,4% ташкил этиши белгиланган»<sup>1</sup>. Бу борада, йигирув саноатида ишлаб чиқариш жараёнлари алоҳида аҳамият касб этишини ҳисобга олсак, пневмомеханик усулда сифатли ип ишлаб чиқарадиган пневмомеханик йигирув машиналарини такомиллаштириш, тўқимачилик ва енгил саноат соҳасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш мақсадида ипларни йигириш жараёнида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф қилиш усуллари ва воситаларини амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда пахта толали иплардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ип йигириш технологик жараёнларига таъсир этадиган муҳим омилларни аниқлаган ҳолда янги техника ва технологиялардан кенгроқ фойдаланиш орқали илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда мақсадли илмий-тадқиқотларни, жумладан, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган йигирилган ипларни ишлаб чиқариш ва уларни тайёр буюмларгача етказиш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал этиш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, юқори иш сифатини таъминлаш ҳамда энергия ва ресурсларни тежаш, пневмомеханик усулда ип ишлаб чиқаришни амалга оширадиган энергия-ресурстежамкор йигирув машиналарини ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик жараёни, параметрлари ва иш режимида аниқлаш усули долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик матолари ишлаб чиқариш ва уларни тайёр маҳсулотгача етказиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, маҳаллий хом ашёдан тўлароқ фойдаланиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган янги технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Республикамизда енгил саноатнинг тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг турлари ва ассортиментини кенгайтириш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар»<sup>2</sup> бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ип шакллантириш усуллари классификацияси, назарияси

<sup>1</sup> <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

ва технологиясига оид айрим саволларни аниқлаштириш, ҳамда ип ҳосил қилишнинг янги усуллари ва ип шакллантириш пишитиш иш органлари конструкцияларига оид йиғилган маълумотларни тизимлаштириш ва технологик жихатдан модернизациялаш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февраль, «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4186-сон сонли Қарори ва 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори, ҳамда тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммони ўрганганлик даражаси.** Пневмомеханик йиғириш машиналари иш унумини ошириш, технологик кўрсаткичларини оптималлаштириш, ишчи механизмларни янги конструкцияларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш билан ҳорижда Р.В. Киселев, М.М.Асташев, Л.Л.Нагаева, Л.К.Замаховский, Bin Gang Xu, Xiao Ming Tao, A.Barilla, J. Vigo, E.Kirscher, H.Kubica, Г.В. Башкова, В.И.Власов ва бошқа олимлар шуғулланишган. Ипнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш ва улар асосида йиғирув машиналарини ишлаб чиқиш ва иш сифатини яхшилаш бўйича Дж.С.Оуэн, Р.Ауэрбах, П.Нордон, В.Вайлерс, В.А.Ворошилов, Г.В.Соколов ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Пневмомеханик йиғириш машиналарини яратиш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар А.Г.Севостьянов, Ж.Бруске, С.Г.Зарецкас, В.Е.Мортон, Х.Соммер, В.А.Усенко ва бошқалар томонидан ўтказилган ва кўплаб салмоқли натижаларга эришилди.

Республикада пневмомеханик йиғириш машинасида табиий ва кимёвий толалардан ип ишлаб чиқариш технологик жиҳоз ва жараёнларини такомиллаштириш, кинематик параметрларини меъёрлаштириш, конструктив ва эксплуатацион хусусиятларини ошириш бўйича тадқиқотлар Қ.Ж.Жуманиязов, М.Абдувахидов, Б.М.Мардонов, А.Д.Джураев, Ж.Қ.Ғофуров, Қ.Ғ.Ғофуров, С.Л.Матисмаилов, З.Э.Эркинов, Ж.Қ.Юлдашев, Х.Х.Хайдаров, Ш.А.Қорабаев, М.М.Сайидмуродов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Пневмомеханик йиғириш жараёнида ипнинг сифат кўрсаткичларини ошириш ва ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамасдан ип йиғиришда ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси динамикаси ва пневмомеханик йиғириш усули билан олинган ипга бурам бериш усуллари бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда «Технологик машина ва жиҳозлар» кафедраси илмий тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Пневмомеханик йигирув машинасининг йигирув камерасидан чиқаётган ипга бурам бериш қурилмасининг конструктив ва технологик параметрларини тадқиқ қилиш орқали ип сифатини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

пневмомеханик йигирув машинасининг ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси конструктив элементларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш;

пневмомеханик усулда олинган ипга бурам беришда унинг структурасини белгилайдиган ип шакллантириш технологик жараёнларининг назарий масалаларини тадқиқ қилиш;

ипга бурам бериш қурилмасининг конструктив ва технологик параметрларини тадқиқ қилиш;

ипга бурам бериш қурилмасининг янги конструктив ечимларини топиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш;

қабул қилинган ечимларни тажриба қурилмасида тадқиқ қилиш, ипга автоматлаштирилган бурам бериш қурилмасининг конструктив кўрсаткичларини оптималлаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Пневмомеханик йигирув машинаси, ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси конструкцияси, ипга автоматлаштирилган бурам бериш қурилмаси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Янги такомиллаштирилган ипга бурам бериш қурилмасида ипнинг шаклланиши, ишчи камера, вюрок, ҳаракатлантирувчи тасмали узатма, ипда бурамларни бир текисда тақсимланиши жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий ва амалий механика, материалларини синаш, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усулларида ҳамда компьютер дастурий таъминотидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

пневмомеханик йигириш машинасининг ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси учун янги автоматлаштирилган бурам бериш қурилмаси ишлаб чиқилган ҳамда унда олинган ипнинг ҳаракат қонунияти асосида йигириш жараёни такомиллаштирилган;

пневмомеханик йигиришнинг барқарорлашмаган иш режимларида ип шакллантириш учун янги автоматлаштирилган бурам бериш қурилмасини ўрнатиш орқали машинани юриши ва тўхтатишида бир текис бурам бериш жараёнининг динамикасининг математик моделлари қурилган;

ипга бурам бериш қурилмаси ишчи органининг ўқ бўйича кесими Архимед спирали шаклида эканлигини ҳисобга олиб, янги конструкциядаги

автоматлаштирилган бурам бериш қурилмасида шаклланаётган ипнинг ҳаракат траекторияси аниқланган;

кўп омилли режали тажриба натижалари асосида, пневмомеханик йиғириш машиналарида автоматлаштирилган бурам бериш қурилмасининг буралиш бурчаги, айланиш частотаси ҳамда оралиқ масофа қийматларининг муқобил параметр қийматлари аниқланган

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

пневмомеханик усулда йиғирилган ип қўлланилиш соҳаларини ва ипга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, уларнинг сифат кўрсаткичларининг ошириш мақсадида янги такомиллаштирилган бурам бериш қурилмаси яратилган;

пневмомеханик йиғирув машинаси конструкциясида ипга автоматлаштирилган бурам бериш қурилмасини қўллаб шакллантирилган ипнинг нисбий пишиқлигини ошириш имкони борлиги олиб борилган амалий тадқиқотларда аниқланган;

барқарорлашмаган иш режимларида ипга бурам беришда ипга бурам бериш қурилмасининг динамик математик моделлари қурилган ҳамда уларнинг адекватлиги амалда тажрибалар орқали исботланган;

ипга бурам бериш қурилмасининг динамик математик моделларини таҳлил қилиш асосида, юргизиш даврини камайишини ва юргизишда максимал бурам бериш қийматини таъминловчи, пневмомеханик йиғириш машинасининг конструктив параметрларини ўзгартириш имкони борлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** пишитилган ипларни тайёрлаш техника ва технологиясининг математик моделлари қурилганлигига, улар ўрганилаётган соҳада маълум бўлган баҳолаш мезонлари бўйича ҳисоблаш тажрибалари таҳлили ва моделлаштириш натижаларининг тажрибавий маълумотлар билан таққослашга асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пневмомеханик йиғириш машинасида бир вақтни ўзида камерадан чиқаётган ипга бурам беришни қўллаш ва шаклланган қисмини чўзиш, нисбатан кам бурам коэффициентда ипнинг пишиқлигини камайтирмасдан ипнинг чиқиш тезлигини ошириш қонуниятини аниқланганлиги, ипга бурам бериш қурилмасини такомиллаштирилганлиги ва уни ҳисоблашнинг назарий асослари яратилганлиги, ипга бурам бериш қурилмаси динамикаси тадқиқ этилганлиги ва математик моделлари тузилганлиги, такомиллаштирилган ипга бурам бериш қурилмасининг математик моделларидан ва тажрибавий тадқиқотлардан фойдаланган ҳолда унинг асосий технологик ҳамда кинематик кўрсаткичларини оптималлаш катталиклари аниқлангангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мавжуд пневмомеханик йиғириш машиналарининг ассортимент ва технологик имкониятларини тадқиқ этиб, уларнинг камчиликлари асосида янги конструкцияли ипга бурам бериш қурилмаси яратилганлиги, янги қурилмани ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида пневмомеханик йиғириш машинасининг иш унумдорлигини оширишга эришилганлиги, пневмомеханик усулда йиғирилган ип сифатига таъсир этувчи омилларни бошқариш, янги такомиллаштирилган ипга бурам бериш

қурилмасида бурамларни бир текисда тақсимланиши учун ипнинг ҳаракати назарий жиҳатдан тадқиқ этилган ҳамда бу тажрибалар натижаларида ўз исботини топганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда янги конструкцияли ипга бурам бериш қурилмаси параметрлари ва иш режимларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

пневмомеханик йиғириш машинасига қўлланган янги автоматлаштирилган ипга бурам бериш қурилмаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига қарашли «АHSIN» МЧЖ тўқимачилик корхонасида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2022 йил 17 октябрдаги 03/25-2924-сон маълумотномаси); Натижада пневмомеханик йиғирув машинасига йиғириш камерасидан чиқаётган ипга бурам берувчи автоматлаштирилган бурам бериш қурилмаси ўрнатилганда ипнинг сифат кўрсаткичи 10,4 % га яхшиланиши, ип чиқиш тезлиги 12,5 % ортиши ҳисобига иш унумдорлигини ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақолалар, жумладан 4 та республика ва 5 та чет эл илмий журналларида нашр этилган, 1 та ЭҲМ учун дастурга гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Диссертациянинг кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пневмомеханик усулда ип шакллантириш ва пиштиш усуллари ривожлантириш масалалари бўйича адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида пневмомеханик усулда ип йиғириш техника ва технологиялари чуқур ўрганилган. Шунингдек, пневмомеханик йиғириш машиналарини ип шакллантириш-пиштиш қурилмасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар таҳлил қилинган.

Пневмомеханик йигириш машинасида ипнинг сифатини ошириш ва ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамасдан ип йигиришда ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси динамикаси ва пневмомеханик йигириш усули билан олинган ипнинг бурам коэффицентини камайтириш усуллари мукамал ўрганилмаганлиги аниқланган. Ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси конструкциясини такомиллаштириш орқали пневмомеханик усулда олинган ипда бурамлар бир текисда тақсимланган ва нисбий пишиқлиги юқори, жаҳон андозаларига мос келувчи маҳсулот ишлаб чиқариш мазкур диссертация олдига қўйилган масалалар ҳисобланади.


Диссертациянинг «Пневмомеханик йигиришда ипга бурам бериш қурилмасини назарий тадқиқи» деб номланган иккинчи бобида бурамлар сони тенг тақсимланган, ҳалқали йигирув усулида олинган ипдан кам бўлган ипни олиш имконини автоматлаштирилган бурам бериш қурилмаси динамикаси масалалари бўйича назарий тадқиқотлар ўтказилди.

Ипга бурам бериш қурилмаси сиртида винтсимон чизиқ бўйлаб ҳаракатланганда ишчи орган билан ўзаро таъсирлашувининг назарий тадқиқи кўриб чиқилган. Тадқиқотда ипнинг фазовий эгилиши натижасида бурам ҳосил бўлиши ўрганилган.


Ипни йўналтирувчи сиртнинг конструктив хусусиятлари ҳосил қилинаётган таранглик эффектининг қийматига таъсир этади. Шунинг учун куч таҳлили ўтказишдан олдин ип ҳаракатланадиган сиртларнинг чизиқли тенгламаларининг ва бу чизиқнинг эгрилик радиусининг математик моделлари тадқиқ қилинган.

Конуссимон спирал чизиқдаги  $M$  нуқта  $OL$  тўғри чизиқ бўйлаб  $OM$  масофага пропорционал бўлган тезлик билан ҳаракатланади.  $OL$  тўғри чизиқ эса  $Oz$  ўққа перпендикуляр эмас.  $U$  бу ўқ атрофида ўзгармас  $\omega$  бурчак тезлиги билан айланади (1-расм).

Конуссимон спирал конуснинг параллел ва меридиан чизиқлари билан доимий ўзгармас бурчаклар ҳосил қилгани учун локсодрома бўлиб ҳисобланади(2-расм).



1-расм. Ўзгармас  $\omega$  бурчак тезлигини аниқлаш.



2-расм. Конуссимон спирал эгрилигини график усулда аниқлаш

Конуссимон спиралнинг параметрик тенгламалари:

$$\begin{cases} x = ae^{k\varphi} \cos\varphi, \\ y = ae^{k\varphi} \sin\varphi \\ z = be^{k\varphi} \end{cases} \quad (1)$$

Бу ерда  $\varphi$ –конуссимон спиралнинг  $M$  нуқтасининг ҳолатини аниқлайдиган параметр. ( $M$  нуқтанинг  $xOy$  текислигидаги проекцияси бўлган  $M'$  нуқта  $xOM'$  бурчагини ҳосил қилади).  $\varphi = \omega t$ ;  $k = \frac{m}{\omega}$ , бунда  $k\varphi = mt$ .

Юқорида параметрик тенгламалари келтирилган эгри чизик (1) конус сиртида жойлашади ва қуйидаги тўғри чизикнинг  $Oz$  ўққа нисбатан айланишидан ҳосил бўлади:

$$\begin{aligned} x &= at \\ z &= bt \end{aligned} \quad (2)$$

Конуснинг ясовчиси ва унинг симметрия ўқи орасидаги  $\gamma$  бурчаги (конуслик бурчаги)  $a$  ва  $b$  параметрлар билан қуйидаги формула билан боғланган бўлади:

$$\frac{z}{x} = \frac{b}{a} = ctg\gamma,$$

Бундан:

$$b = actg\gamma \quad (3)$$

Спиралга уринма ва  $xOy$  текислиги орасидаги бурчакни (қўтарилиш бурчаги)  $\beta = \text{const}$  билан белгилаймиз.

Бунда (1) формуладаги  $k$  коэффицентни  $\beta$  ва  $\gamma$  бурчаклар билан боғловчи формулани қуйидагича ёзиш мумкин:

$$k = \frac{\sin\gamma \sin\beta}{\sqrt{\cos^2\beta - \sin^2\gamma}} \quad (4)$$

Конуссимон спиралнинг ихтиёрий нуқтасидаги эгрилигини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$K = \frac{ae^{-k\varphi} \sqrt{(k^2+1)}}{(a^2+b^2)k^2+a^2} \quad (5)$$

Конуссимон спиралнинг ихтиёрий нуқтасидаги эгрилик радиусини (6) формуладан аниқлаймиз:

$$R = \frac{1}{K} = \frac{(a^2+b^2)k^2+a^2}{a\sqrt{(k^2+1)}} \quad (6)$$

Фазовий шаклдаги ипнинг эгрилик радиусини унинг текисликдаги проекцияси орқали аниқлаш амалий масалаларни ечишда катта аҳамиятга касб этади. Чизма геометрия назариясидаги графика усулларида фойдаланиб

конуссимон спиралнинг берилган  $M$  нуқтасидаги эгрилик радиуси  $R_{k.c.}$  ва шу эгри чизикнинг текисликдаги ортогонал проекциясининг эгрилик радиуси  $R_{n.c.}$  орасидаги боғланишни аниқлаймиз.

Конуссимон спиралнинг горизонтал текисликдаги ортогонал проекцияси логарифмик спирал бўлади.

Умумий ҳолда фазовий эгри чизикнинг эгрилик радиуси  $R$  ва шу эгри чизикнинг горизонтал текисликдаги проекциясининг эгрилик радиуси  $r$  орасидаги боғланиш қуйидаги кўринишда бўлади:

$$R = r \frac{\cos \varepsilon}{\cos^3 \alpha} \quad (7)$$

Бу ерда  $\varepsilon$  - уринма текислик билан проекция текислиги орасидаги бурчак;

$\alpha$  — фазовий эгри чизикқа ўтказилган уринма чизик билан горизонтал текислик орасидаги бурчак (кўтарилиш бурчаги).

Ярим уринма чизиклари бирор текисликка нисбатан бир хил оғиш ҳосил қиладиган фазовий эгри чизиклар бир хил оғишли чизиклар дейилади.

Бизни қизиқтираётган конуссимон спираллар, яъни эгри чизикқа ўтказилган уринма билан  $xOy$  текислик орасидаги  $\beta$  бурчаги ўзгармас бўлган, конус сиртда жойлашган чизиклар бир хил оғишли фазовий эгри чизиклар туркумига киради.

(7) да  $\alpha$  ва  $\beta$  харфлари билан бир хил катталиқ белгиланганлигини ҳисобга олган ҳолда конуссимон спиралнинг эгрилик радиусини унинг проекцияси орқали ифодаладиган тенглама оламиз:

$$R_{k.s.} = \frac{R_{L.s.}}{\cos^2 \beta} \quad (8)$$

Бу формула элементар математик ҳисоблаш йўли билан конус сиртида ўзгармас кўтарилиш бурчакли чизик бўйича сирпанаётган ипнинг эгрилик радиусини аниқлаш имконини беради.

Маълум график усулдан фойдаланиб логарифмик спиралнинг эгрилик радиусининг натурал қийматини осон аниқлаш мумкин (2-расм). Шундай қилиб конуссимон спиралнинг  $M$  нуқтасининг (конуснинг А-А қирқими) график усулда аниқланган эгрилик радиуси қиймати (8) формула ёрдамида ҳисобланган қийматига аниқ мос келади.

Чизикнинг ёй узунлиги  $S [0, \varphi]$  кесмада  $\varphi$  параметрни ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича аниқланади:

$$s = \frac{\sqrt{a^2 + a^2 k^2 + b^2 k^2}}{k} (e^{k\varphi} - 1) \quad (9)$$

Натурал параметрлаштирилганда (2.10) эгриликни ҳисоблаш формуласи қуйидаги кўринишга келади:

$$K(s) = \frac{a\sqrt{k^2+1}\sqrt{a^2+a^2k^2+b^2k^2}}{ks+(a^2+a^2k^2+b^2k^2)^{3/2}} \quad (10)$$

Конуссимон спирал бўйича йўналтирувчи қурилмадан эгилиб ўтишда ипнинг таранглигини ўзгаришини тадқиқ қиламиз. Ипнинг кичик қисмларидаги, яъни ипнинг талаб қилинган чизикдан оғиши катта бўлмаган қисмларидаги таранглигини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$T_2 = T_1 \exp \left\{ f \int_{s_1}^{s_2} k(s) ds \right\}$$

(10) формулага ушбу формулани қўямиз. Олинган формула қуйидаги кўринишда бўлади:

$$T = T_0 \exp \left( f \int_{s_1}^{s_2} \frac{\sqrt{k^2 + 1} \sqrt{a^2 + a^2 k^2 + b^2 k^2}}{ks + (a^2 + a^2 k^2 + b^2 k^2)^{3/2}} ds \right)$$

Узун ўлчамли иплар учун юқорида олинган формулалар ёрдамида тарангликни ҳисоблашни автоматлаштириш учун амалий дастурий таъминот ишлаб чиқилди. Тадқиқот ишида ипнинг таранглиги ипга бурам бериш қурилмаси сиртининг шакли ўзаро боғлиқлигини аниқлаш мақсадида ипга бурам бериш қурилмасининг шакллантирувчи ва йўналтирувчи сиртларида сирпаниб ҳаракатланаётган ип таранглиги ўрганилди.

Пневмомеханик йиғиришда ипга бурам бериш жараёнини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар пневмомеханик йиғирув машиналарида автоматлаштирилган бурам бериш қурилмаси мавжудлигида ип шакллантириш-пишитиш қурилмаси конструкциясини яратиш имконияти мавжудлигини кўрсатди.

Ип шаклланиш давомийлигидаги участкалар сони кўп бўлса яъни учтадан ортиқ бўлса математик моделларни қуриш мураккаблашади. Математик модел тузишни соддалаштириш учун қуйидаги қўшимча фаразларни қабул қиламиз

1. Ипга тушириш жараёнини ип тўғри йўналишдаги ҳаракатга эга бўлган вақтидан бошлаб тадқиқ қиламиз.


2. Ипга бурам бериш қурилмасини қўшимча органининг айланишлар частотаси  $q$  ни ўзгармас катталиқ деб қабул қиламиз.

3. Барқарорлашмаган режимда ипнинг бурамини:

-биринчи участкада  $K_l = \frac{p}{v}$ ;

-иккинчи участкада  $K_p = \frac{n-q}{v}$ ;

-учинчи ва тўртинчи участкаларда  $K_H = \frac{n}{v}$  деб қабул қиламиз.



3-расм. Юргизиш вақтида бурам сонини вақтга боғлиқлиги графиги.

Қабул қилинган фаразларга асосан, юрғазиш жараёни ип тўғри йўналишдаги ҳаракатга эга бўлган ва сохта бурам бериш курилмасининг иккала бурам бериш органини бир вақтдаги таъсири вақтига мос келади.

Масалани мос равишда технологик схема участкалари бўйича ечамиз.  $dt$  вақт оралиғида I участкадаги ип олган бурамлар сони  $pdt$  га тенг бўлади. Худди шу вақтнинг ўзида бу участка  $K_{n1}vdt$  га тенг бурамлар сонини йўқотади. Шунга асосланиб дифференциал тенгламани ёзамиз:

$$dK_{n1} = \frac{p - K_{n1}v}{l_1} dt \quad (11)$$

Мос равишда бошланғич шартлардан:  $t = t_0$  бўлганда да  $K_{n1} = K_H$ , бу тенглама қуйидаги ечимга эга:

$$K_{n1} = \frac{p}{v} \left[ 1 - \left( 1 - \frac{K_H v}{p} \right) e^{-\frac{vt}{l_1}} \right] \quad (12)$$

Иккинчи участкадаги бурам ўзгаришини кўриб чиқамиз.  $dt$  вақт давомида ипнинг бу қисми участкадан ўтиб бораётган ип билан  $K_{n2}vdt$  га тенг бўлган бурамлар сонини йўқотади деб қабул қиламиз.

Ипнинг бурамлар сони ортирмасини унинг узунлигига нисбати бурамнинг ортирмасини билдиришлигини инобатга олиб, ипнинг II участкаси қуйидаги дифференциал тенгламани тузишимиз мумкин:

$$K_{n2} = \frac{K_{n1}v - p + n - q - K_{n2}v}{l_2} dt \quad (13)$$

бунда  $K_{n1}$  (2) ифодадан аниқланади. Бошланғич шартларни,  $t = 0$  бўлганда  $K_{n2} = K_H$  ҳисобга олсак тенглама қуйидаги ечимга эга бўлади:

$$K_{n2} = K_H e^{-\frac{vt}{l_2}} + \frac{n-q}{v} \left( 1 - e^{-\frac{vt}{l_2}} \right) - \omega_2 \frac{n-p}{v} \left( e^{-\frac{vt}{l_2}} - e^{-\frac{vt}{l_1}} \right) \quad (14)$$

Бу ерда қуйидаги коэффициент қабул қилинган:

$$\omega_2 = \frac{l_1}{l_1 - l_2}$$

Энди учинчи участканинг бурамини кўриб чиқамиз.  $dt$  вақт давомида ипнинг бу қисми участкадан ўтиб бораётган ип билан  $K_{l3}dt$  га тенг бўлган бурамлар сонини йўқотади деб қабул қиламиз. Шу вақтнинг ўзида, иккинчи ипга бурам берувчи орган таъсири ҳисобига бу участкадаги ип  $K_{n2}dt$  бурамлар сонига ва  $qdt$  эга бўлади.

Тўртинчи участка бурамини кўришга ўтамиз.

$dt$  вақт давомида ипнинг шаклланаётган бу қисми учинчи участкадан келаётган ип билан биргаликда  $K_{n3}dt$  га тенг бурамлар сонини олади деб қабул

қиламиз. Шу вақтнинг ўзида участкада чиқиб кетаётган ип билан  $K_{n4}dt$  га тенг бурамлар сонини йўқотади.

Дифференциал тенгламани тузамиз:

$$dK_{n4} = \frac{K_{n3}v - K_{n4}}{l_4} dt \quad (15)$$

Бошланғич шартларда:  $t = 0$  да  $K_{n4} = K_4$  бу тенглама куйидаги кўринишдаги ечимга эга:

$$\begin{aligned} K_{n4} = & K_H e^{-\frac{vt}{l_4}} + \frac{n}{v} \left(1 - e^{-\frac{vt}{l_4}}\right) + \omega_3 \omega_{42} \frac{n}{v} \left(e^{-\frac{vt}{l_2}} - e^{-\frac{vt}{l_4}}\right) + \\ & (\omega_{44} - \omega_3 \omega_{44}) \frac{n}{v} \left(e^{-\frac{vt}{l_3}} - e^{-\frac{vt}{l_4}}\right) + \omega_2^2 \omega_{43} \frac{n-p}{v} \left(e^{-\frac{vt}{l_2}} - e^{-\frac{vt}{l_4}}\right) - \\ & \omega_2 \omega_3 \omega_{42} \frac{n-p}{v} \left(e^{-\frac{vt}{l_2}} - e^{-\frac{vt}{l_4}}\right) - (\omega_2 \omega_{21} \omega_{44} - \omega_2 \omega_3 \omega_{44}) \frac{n-p}{v} \left(e^{-\frac{vt}{l_3}} - \right. \\ & \left. e^{-\frac{vt}{l_4}}\right) - \omega_3 \omega_{42} \frac{n-p}{v} \left(e^{-\frac{vt}{l_2}} - e^{-\frac{vt}{l_4}}\right) + (\omega_{42} - \omega_3 \omega_{43}) \frac{n-p}{v} \left(e^{-\frac{vt}{l_3}} - e^{-\frac{vt}{l_4}}\right) - \\ & \omega_{44} \frac{q}{v} \left(e^{-\frac{vt}{l_3}} - e^{-\frac{vt}{l_4}}\right) \end{aligned} \quad (16)$$

Шундай қилиб, пневмомеханик йиғиришда ипга бурам бериш жараёни динамикасини тадқиқ этилди. Пневмомеханик йиғиришнинг барқарорлашмаган иш режимларида ип шакллантириш-пишитиш қурилмасини юрғатиш ва тўхтатишда ипга бурам бериш жараёни динамикасининг математик моделлари қурилди. 4-расмда,  $K_{n1}$ ,  $K_{n2}$ ,  $K_{n3}$  ва  $K_{n4}$  бурамлар ўзгариш эгри чизиқлари 1, 2, 3, 4 мос равишда келтирилган.

Пневмомеханик йиғиришда ипга автоматлаштирилган бурам бериш қурилмасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги асосланган. Ишнинг барқарорлашмаган режимида айланаётган ипга бурам бериш қурилмаси учун ( $n = const$ ,  $v = const$ ) биринчи соҳанинг бурами куйидагига тенг бўлади:

$$K_b = \frac{n}{v} \quad (17)$$

Маълум шароитларда  $K_H = const$  лигини инобатга олиб ва (22) нинг ўнг томонини (22) нинг чап томони билан тенглаштириб куйидагини оламиз:

$$n = K_H v, \quad (18)$$

яъни ишчи органнинг айланишлар сонидан аниқланадиган айланувчи вьюрок каби таъсир кўрсатади. Бу катталиқни  $n_p = K_H v$  билан белгилаймиз ва қўзғалмас вьюрокнинг келтирилган айланишлар сони деб номлаймиз. У ҳолда ипга туширишда ипнинг I соҳаси учун куйидаги тенгламани тузишимиз мумкин:

$$dk_1 = \frac{n_{np} - K_1 v}{l_1} dt \quad (19)$$

Бу ерда:  $dK_1 - dt$  вақт давомида биринчи соҳада ип бурамининг ортиши;  
 $l_1$  – шу соҳанинг узунлиги;  
 $v$  – ипнинг ҳаракат тезлиги.

Бошланғич шартлар:  $t = 0, K_1 = K_H$  тенглама куйидаги ечимга эга:

$$K_1 = \frac{n_{np}}{v} \left[ 1 - \left( 1 + \frac{K_H v}{n_{np}} \right) e^{-\frac{vt}{l_1}} \right] \quad (20)$$

$K_H = 0$  да (20) куйидаги кўринишни олади:

$$K_1 = \frac{n_{np}}{v} \left( 1 - e^{-\frac{vt}{l_1}} \right) \quad (21)$$

(20) ва (21) нинг таҳлили кўрсатадики, биринчи соҳанинг ип бурами экспоненциал ўзгаради ва барқарорлашмаган режимда  $\frac{n_{np}}{v}$  қийматга эришади.  $K_1$  бурамнинг ўзгариши 5-расмда I чизиқ билан кўрсатилган ( $K_H = 0$  ҳолат учун).

Худди шу тарзда иккинчи соҳа учун тенгламани тузишимиз мумкин:

$$dk_2 = \frac{K_1 v - n_{np}}{v} dt \quad (22)$$

$t = 0, K_2 = K_H$  бошланғич шартлардаги унинг ечими куйидаги кўринишга эга:


$$K_2 = K_H e^{-\frac{vt}{l_2}} - \frac{n_{np}}{v} \frac{l_1}{l_1 - l_2} \left( 1 + \frac{K_H v}{n_{np}} \right) \left( e^{-\frac{vt}{l_1}} - e^{-\frac{vt}{l_2}} \right) \quad (23)$$

$K_H = 0$  да (23) куйидаги кўринишга келади:


$$K_2 = -\frac{n_{np}}{v} \frac{l_1}{l_1 - l_2} \left( e^{-\frac{vt}{l_1}} - e^{-\frac{vt}{l_2}} \right) \quad (24)$$

Уларнинг таҳлили кўрсатадики ишнинг барқарорлашмаган режимдан  $t \rightarrow \infty$  фарқли юрғизиш режимда (якуний  $t$  да)  $K_2$  нинг қиймати нолдан фарқ қилади. 6-расмдаги эгри чизиқ 2 вақт бўйича бурам ўзгариши  $K_2$  ни кўрсатади  $K_H = 0$  ҳолат учун).

(24) тенгламанинг ҳосиласини нолга тенглаштириб, яъни  $K_2^1 = 0$ , бурам  $K_{2m}$  нинг максимал қийматини ва у содир бўладиган вақт они  $t_m = 0$  ни аниқлаймиз.



4-расм. Юрғазишда бурамни вақтга боғлиқлиги.



5-расм. Ишга туширишда бурамларни вақтга боғлиқлиги.

$$K_{2m} = -\frac{n_{np}}{v} - \frac{l_1}{l_1 - l_2} \left( e^{-\frac{vt_m}{l_1}} - e^{-\frac{vt_m}{l_1}} - e^{-\frac{vt_m}{l_2}} \right) \quad (25)$$



$$t_m = \frac{l_1 l_2}{v(l_1 - l_2)} \ln \frac{l_2}{l_1} \quad (26)$$

яъни, ўзгармас  $l_1$  ва  $l_2$  ларда  $t_m$  фақат тезлик  $v$  га боғлиқ,  $K_{2m}$  нинг абсолют қиймати эса  $l_1$  ва  $l_2$  ларнинг нисбатидан аниқланади.

$l_1 = l_2 = l$  бўлганда:

$$K_{2m} = \frac{n_{np} v}{v} - \frac{v}{l} t e^{-\frac{vt}{e}}$$

Диссертациянинг «Ипга бурам бериш қурилмаси конструкциясини рационал параметрларини амалий тадқиқи» деб номланган учинчи бобида пишиқлиги ҳалқали йиғиришдагидан кам бўлмаган, пневмомеханик ипни ишлаб чиқариш имконини таъминлайдиган йиғирув камерасидан чиқаётган ипга бурам қурилмаси конструктив параметрларини аниқлашдан иборат.



6-расм. Тажрибавий стенд умумий кўриниши

Тадқиқот Наманган муҳандислик-технология институтининг «Технологик машина ва жиҳозлар» кафедраси илмий лабораториясида тайёрланган пневмо-механик йигириш машинасини тажриба стендида ўтказилган (7-расм). Стендни барқарорлашган режимда 10 минут ишлатиб 40 та юргизиш амалга оширилган. Ҳар бир юргизишдан олдин, аввалги пунктда келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, присучка қилинадиган учидан 1 м масофада, ипнинг кесимларида махсус бўёқ билан белги қуйилган ва кейинчалик юргизишдаги максимал бурам ўртасида белги қуйилган 0,25 м ли кесимларда аниқланган. Барқарорлашган режимда ишлаб чиқилган ипдаги бурамни ўлчаш учун, стендни юргизишдан кейин камида 5 минут давомида ишлатиш натижасида ишлаб чиқилган ипнинг 0,25 м ли бўлакларида олинган.

Ипга бурам бериш қурилмаси каналининг буралиш бурчагини ўзгартириш тадқиқотида технологик жараёнга ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг қуйидаги конструктив параметрлари таъсирлироқ деб тахмин қилинди: айланиб турувчи ипга бурам бериш қурилмасини конуссимон винтли каналининг буралиш бурчаги  $\varphi$  рад, айланиб турувчи ипга бурам бериш қурилмасини айланиш частотаси  $\nu$ , мин<sup>-1</sup>, чиқариш қувурчаси ва айланиб турувчи ипга бурам бериш қурилмаси ўрнига ўрнатилган, ипга бурам бериш органини қисим чизиқлари орасидаги масофа  $L$ , мм.

Омилларни аниқлаш соҳаси, фиксация нуқталари, омилларни ўзгартириш оралиқлари ва ўзгартириш сатҳлари 1-жадвалда келтирилган.

Ипга бурам бериш қурилмаси ишини характерловчи асосий параметрлар сифатида қуйидагилар танланди:

1. Ипга бурам бериш қурилмаси ёрдамида ишлаб чиқилган, бурам коэффициентлари кам бўлган ипнинг нисбий пишиқлиги, гк/текс.

2. Соатига 1000 та йигириш жойига ҳисобланган, узилиш даражаси билан характерланадиган ипга бурам бериш қурилмаси ишининг барқарорлиги.

### 1-жадвал

#### Омилларни аниқлаш соҳаси, фиксация нуқталари, омилларни ўзгартириш оралиқлари ва ўзгартириш сатҳлари

Омиллар	Аниқланиш соҳаси	Фиксация-ланиш нуқталари	Вариация оралиғи	Вариация даражалари		
				1,5π	2π	2,5π
$\varphi$ , рад	1,5π ... 2,5π	2π	0,5π	1,5π	2π	2,5π
$\nu$ , мин <sup>-1</sup>	1,5 · 10 <sup>4</sup> .. .2,5 · 10 <sup>4</sup>	2,0 · 10 <sup>4</sup> .. .2,5 · 10 <sup>4</sup>	0,5 · 10 <sup>4</sup>	1,5 · 10 <sup>4</sup>	2,0 · 10 <sup>4</sup>	2,5 · 10 <sup>4</sup>
$u$ , мм	40 ... 70	55 ... 70	15	40	55	70

Барча тажрибалар ипни чиқариш тезлиги  $\nu=49,6$  м/мин да ўтказилди, бу эса худди шу шартларда R 60 пневмомеханик йигириш машинасини ип чиқариш тезлигидан 30% ( $\nu=39,8$  м/мин) га ошиқ.

Чиқувчи параметрлар-ипнинг пишиқлиги ва узилишлар сонининг ипга бурам бериш органи каналининг буралиш бурчагига боғлиқлигини ҳисобга олиб қуйидагича хулоса қилинди. Унинг мақбул қиймати  $\varphi = 2\varphi$  бўлиб,

кейинги тажрибаларда унинг қийматини ўзгартирмаслик қарори қабул қилинди.

Ипга бурам бериш қурилмасининг айланиш частотаси  $\nu$  ни ўзгартариш тадқиқотида тажриба натижаларини қуйидаги тартибда бажарилди:


1.Тадқиқот тажрибаларидаги чиқувчи параметрлар ўртача қийматларини аниқланди.

2.Тажрибалардаги чиқувчи параметрлар дисперсияларининг қийматларини аниқлаймиз.


3. Смирнов-Грабс мезони ёрдамида чиқувчи параметрларнинг кескин фарқ қилувчи қийматларини текширилди.

8- ва 9-расмларда чиқувчи кўрсаткичлар ипнинг нисбий пишиқлиги ( $\Pi$ ) ва ипнинг узилишлари сони ( $O$ ) ларнинг ипга бурам бериш қурилмаси айланиш частотаси  $\nu$  га боғлиқлик графиклари қурилган.


Шундай қилиб, 9-расмдаги графикдан кўришиб турибдики ипнинг нисбий пишиқлигини ипга бурам бериш қурилмасининг айланиш частотаси  $\nu$  га боғлиқлик экан. Ипга бурам бериш қурилмасининг айланиш частотаси  $\nu$  ни ортиши билан ипнинг нисбий пишиқлиги ортиб боради. Ипга бурам бериш қурилмасининг айланишлар частотаси 5 баробар ортганда узилишлар миқдори тенг миқдорда ортиши кузатилади.




**7-расм. Ипнинг нисбий пишиқлигини бурчакка боғлиқлиги графиги.**



**8-расм. Ипнинг нисбий пишиқлигини ипга бурам бериш қурилмасининг айланиш частотаси  $\nu$  га боғлиқлик графиги.**



**9-расм. Ипнинг узилиш сонини ипга бурам бериш қурилмасининг айланиш частотаси  $\nu$  га боғлиқлик графиги.**



**10-расм.  $\Pi$  параметрни ипга бурам бериш органи қисгичлар чизиғи орасидаги масофа  $L$  га боғлиқлиги графиги**

Мақбуллаштиришнинг умумлаштирилган параметрини қуриш учун Харрингтоннинг умумлаштирилган мақбуллик функциясидан фойдаланамиз. Мақбуллик функциясини иккита нисбий катталикларнинг кўпайтмаси кўринишида қурилиши технология талабларини – узилишлар сонини ортирмасдан ипнинг пишиқлигини ошириш ҳисобига унинг бурам коэффиценти пасайишини таъминлаш, етарлича аниқ ҳисобга олиш имконини беради.

Дастлабки тажриба ўтказиш учун қуйидаги омиллар танланди:

1. Ипга бурам бериш қурилмасини айланишлар сони  $n_v$  нинг йигириш камерасининг айланишлар сони  $n_k$  га нисбати,  $X_1$  билан белгиланди:

$$X_1 = \frac{n_v}{n_k} \quad (27)$$


2. Ипга бурам бериш қурилмаси қисиш чизиқлари орасидаги масофа  $L$  нинг ишланаётган тола штапел узунлиги  $l_u$  га нисбати,  $X_2$  билан белгиланди:

$$X_2 = \frac{L}{l_u} \quad (28)$$

Ипга бурам бериш органи каналининг буралиш бурчаги  $\varphi$  катталигини ўзгармас ва, дастлабки тажрибада чиқувчи параметрларнинг энг яхши натижалари таъминланган,  $2\pi$  га деб қабул қилинди.

Барча нуқталарда тажрибалар  $m=3$  қайтарилиши назарда тутилган ва шунга мувофиқ қайта тажрибалар рандомизация режаси тузилди.

Дастлабки тажрибада II мақбуллаш параметрининг  $X_1$  ва  $X_2$  омилларга боғлиқлиги эгри чизиқли характерда бўлиши аниқлангани учун, дастлабки алоҳида тўла омилли тажрибани ўтказмасдан ва унинг натижаларини ишламасдан, тажрибаларни ўтказиш ва тажрибавий маълумотларни ишлашни бир босқичда амалга ошириш қарори қабул қилинди.



11-расм. Мақбулликнинг умумлаштирилган функцияси

Диссертациянинг “Пневмомеханик йигиришда ипга бурам бериш қурилмасининг тажрибавий тадқиқи” деб номланган 4-бобида йигирув камерасидан чиқаётган ипга бурам бериш қурилмаси динамикаси тадқиқотларида ипга бурам

бериш назарияси асосида, шаклланаётган ипга ипга автоматлаштирилган бурам бериш қурилмаси томонидан бурам бериш имкониятини тасдиқловчи асосланган ҳолда, машинани юргизиш режимида, ипнинг бурамлар сонини ипга бурам бериш қурилмасигача ва ундан кейинги участкаларидаги ҳамда тортувчи жуфтлик ва тайёр ипнинг жойламаси орасидаги бурамнинг вақтга нисбатан аналитик боғланишлари кўриб чиқилган.

Тадқиқотлар НамМТИ нинг “Технологик машина ва жиҳозлар” кафедрасида тайёрланган, пневмомеханик йигириш тажриба стендида конструктив параметрларни мақбуллаш бўйича экспериментлар ўтказилгандан сўнг “АНСИН” МЧЖда ишлатилаётган R 60 пневмомеханик йигириш машинасида ўтказилган. Ишга тушириш даврида “АНСИН” МЧЖ да ишлатилаётган R 60 пневмомеханик йигириш машинасида тадқиқ қилинган.

Тажрибаларни ўтказиш учун ҳар бир машинанинг чап томонидаги биринчи 20 та йигирув жойи камераси танланган.

Шундай қилиб, юргизишдаги максимал бурам барқарорлашган режимдаги бурамдан 1,36 баробар каттароқ.  $k_3=1,36$  қийматни олдинги пунктда олинган  $k_m=1,34$  қиймат билан солиштирилиши шуни кўрсатадики, юргизишдаги максимал бурамнинг барқарорлашган иш режимидаги бурамга нисбат коэффициентининг ҳақиқий қиймати, акси кутилаётганига қарамай, унинг ҳисобий қийматидан тахминан 1,5% га каттароқ.

Ўтказилган таҳлил буни ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг математик модели тузилаётганда ипнинг чизиқли тезлиги ўзгармас деб қабул қилинганлиги, яъни  $v = const$  билан боғлиқлигини кўрсатди. Аслида эса у юргизишда нол қийматидан  $v$  га тенг қийматгача ошади. Бу ҳолат коэффициентнинг ҳақиқий қийматини назарий ҳисоблангандан ошганини изоҳлайди.

Ипга бурам бериш қурилмасини ўрнатиш натижасида пневмомеханик йигирув машинасидан чиқадиган ипнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиши ҳамда бу ўзгариш ҳисобига бурам бериш жараёнларини ўтказиш нисбатан енгилашиши оқибатида технологик мақсадда сарфланаётган электр энергияси сарфи харажатлари тежалиши натижасида олинадиган йиллик иқтисодий самара 403176400 сўмни ташкил этади.

## ХУЛОСА

Пневмомеханик йигириш қурилмаси конструкциясини такомиллаштириш масалалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Йигиришнинг янги услубининг бир қатор назарий масалаларини аниқлаштириш ва таснифлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

2. Пневмомеханик усулда олинган ипга бурам бериш услубини қўллаб, йигирув камераси айланиш частотаси ва сарфланадиган электр энергия сарфини оширмасдан, ип шакллантириш тезлигини 12,5 % гача оширишни таъминлайдиган, ипга бурам бериш қурилмаси конструкциясини яратиш имконияти борлиги назарий жиҳатдан асосланди ва экспериментал равишда тасдиқланди.

3. Ипга бурам бериш қурилмаси қўлланилганда пневмомеханик ипнинг сифат кўрсаткичи 10,4 % ошириш, ип шакллантириш тезлигини 12-15 % га ошириш имкони борлиги назарий жиҳатдан асосланди ва тажрибалар ёрдамида амалий тасдиқланди.

4. Барқарорлашмаган иш режимида ипни нисбий пишиқлигини ошириш учун ипга бурам бериш қурилмаси ўрнатилгандан сўнг ип шакллантириш-пишитиш қурилмасининг динамик математик моделлари қурилди, ҳамда уларни адекватлиги тажриба орқали исботланди.

5. Юргизиш даврини қисқаришини ва бу даврдаги бурамнинг энг катта қийматини пасайишини таъминловчи, пневмомеханик йигириш машиналарини конструктив параметрларини ўзгартириш имконияти борлиги,

ип шакллантириш қурилмасининг динамик математик модели маълумотларини ЭҲМнинг махсус дастурлари ёрдамида қайта ишлаш орқали исботланди.

6. Пневмомеханик йигириш машиналари ишлаб чиқарадиган тўқимачилик машинасозлиги заводларига ипга автоматлаштирилган бурам бериш қурилмаси ўрнатилган ип шакллантириш қурилмасининг янги конструкциясини қўллаш орқали пневмомеханик йигириш машиналари конструкцияларини модернизация қилиш тавсия этилади.

7. Олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида 1 та пневмомеханик йигириш машинасида ипга бурам бериш қурилмасини қўллаш орқали 403176400 сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
(PHD).03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**БОБОЕВ УТКИРБЕК АБДИЛЛАЖОНОВИЧ**

**ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОБЛЕМ КРУЧЕНИЕ ПРЯЖИ В ПРОЦЕССЕ  
ПНЕВМОМЕХАНИЧЕСКОГО ПРЯДЕНИЯ**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника и  
робототехнические системы**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора философии (phd) потехническим наукам**

**Наманган-2022**

**Тема диссертации доктора философии (Doktor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.2.PhD/T1334**

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен в веб-сайте Научного совета Наманганского инженерно-технологического института ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Обидов Авазбек Азаматович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Жуманиязов Кадам Жуманиязович**  
доктор технических наук, профессор

**Росулов Рузимурод Хасанович**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Андижанский машиностроительный институт**

Защита диссертации состоится «17» декабря 2022 г. 11<sup>00</sup> часов на заседании научного совета (PhD).03/30.12.2019.т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская – 7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1 этаж, в малом зале заседаний тел. (+99869) 225-10-07, факс (+99869) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (диссертация зарегистрирована за № 202) Адрес: г. Наманган, ул. Касансайская - 7, тел. (+99869) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «06» декабря 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № 92 от «06» декабря 2022 года).



*Мурад*

**Р.М. Мурадов**  
Председателя Научного Совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Х.Т. Бобожонов**  
Ученый секретарь Научного Совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**К.М. Холиков**  
Председатель научного семинара при Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире текстильная промышленность имеет большое значение в обеспечении материального и социального благополучия людей. В период перехода к цифровым методам управления мировой экономикой особое значение придается вопросам повышения конкурентоспособности производственных предприятий. В настоящее время в развитых странах «...в текстильной промышленности определяется хлопковое волокно-67%, производство химических волокон-20%, шерстяное волокно-10%, шерстяное волокно-1,6% и др.-1,4%»<sup>1</sup>. В связи с этим, учитывая, что производственные процессы имеют особое значение в прядильном производстве, совершенствование пневмомеханических прядильных машин, производящих качественную пряжу пневмомеханическим способом, в целях повышения качества изделий текстильной и легкой промышленности и снижения их себестоимости уделяется внимание внедрению методов и средств устранения факторов, отрицательно влияющих на качество изделий в процессе прядения нитей.

В мире проводятся научные исследования за счет более широкого использования новых приемов и технологий, выявления важных факторов, влияющих на технологические процессы прядения пряжи для производства готовых изделий из хлопкового волокна. В этом направлении проводятся целенаправленные научные исследования, в том числе производство пряжи, отвечающей мировым требованиям, и доведение их до готовой продукции, внедрение в производство новой техники и технологий, комплексное решение вопросов эффективного использования местного сырья. считается приоритетом. При этом обеспечение высокого качества работы и экономии энергии и ресурсов, разработка энергоэффективных прядильных машин для производства пневмомеханической нити, а также методики определения ее технологического процесса, параметров и режимов работы считаются актуальными задачами.

Производство текстильных тканей в Республике Узбекистан и поставка их в готовую продукцию, внедрение новой техники и технологий, осуществляются масштабные мероприятия по внедрению новой техники и технологий, проведению исследований по созданию новых технологий, способствующих повышению эффективности использования местного сырья, и внедрению их в практику. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, в том числе «Развитие текстильной, швейно-трикотажной, кожевенно-обувной и меховой промышленности легкой промышленности в нашей республике, расширение видов и ассортимента выпускаемой продукции, а также всесторонняя поддержка инвестиционной и экспортной деятельности предприятий отрасли. Определены задачи по комплексным мерам поддержки»<sup>2</sup>. При реализации этих задач уточнение некоторых вопросов, связанных с классификацией, теорией и технологией способов формирования пряжи, также важно систематизировать и технологически модернизировать накопленные данные о новых способах производства пряжи и конструкциях

<sup>1</sup> <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

нитеформовочных и крутильных рабочих органов. При реализации этих задач важно уточнить некоторые вопросы, связанные с классификацией, теорией и технологией способов формирования пряжи, а также систематизировать и технологически модернизировать собранные данные о новых способах формирования пряжи и конструкциях формирования и крутильных рабочих органов.

Постановление Президента Республики Узбекистан от 12 февраля 2019 года № ПП-4186 «О мерах по дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной промышленности» и № ПП-4453 от 16 сентября 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию легкой промышленности и стимулированию производства готовой продукции» и реализации задач, указанных в других соответствующих нормативных правовых документах, и реализации задач, указанных в других нормативных правовых документах, связанных с данной деятельностью, в определенной степени служит данная диссертационная работа.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики по направлению: ПНТ-II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

#### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.**

